



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР
ПРОФИЛАКТИКАСИ ТИЗИМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ИСЛОХОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОСҚИЧЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кундузги таълим З-ўқув курси 322-гурух курсанти
Мухаммадиёв Мақсудхон Собирхон ўғли

Аннотация: Уибу мақолада, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг бугунги кундаги самарадорлиги, эришилган натижалар ёритилган. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси президенти томонидан ушбу соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий хуҗжатлар хақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, профилактика инспектори, жиноятчилик динамикаси, ҳуқуқбузарликлар филактиказиннг ривожланиши босқичлари, ислоҳотлар.

РЕФОРМЫ, ОСУЩЕСТВЛЯЕМЫЕ В СИСТЕМЕ
ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРЕСТУПНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
И ИХ ЭТАПЫ

Аннотация: В данной статье освещены профилактика преступности и реформы, реализуемые в этой сфере, их эффективность на сегодняшний день, достигнутые результаты. Кроме того, обсуждаются нормативно-правовые документы, принятые Президентом Республики Узбекистан в этой сфере.

Ключевые слова: профилактика преступности, инспектор по профилактике, динамика преступности, этапы развития профилактики преступности, реформии.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатлариға хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди. Шу билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавфхатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар масъул давлат тузилмалариға ўз фаолиятини «Барча сайд-харакатлар инсон қадри учун» деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юкламоқда.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ профилактика хизмати тизимида амалга оширилган ислоҳотлар жараёнилари шуни ўз ичига олмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ таркибидаги Жиноятларнинг олдини олиш бўлими негизида Ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси ташкил этилди. Ушбу бошқарма таркибиға аввал Жазони ижро этиш бошқармаси таркибидаги озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш билан шуғулланувчи таркибий тузилмалар ҳам ўтказилди. Худди шундай функционал таркибий ислоҳотлар Тошкент шаҳрининг барча туман ИИБ ларида амалга оширилиб, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш бўлимлари ташкил этилди.

Ушбу ислоҳотлар натижасида Тошкент шаҳрининг ҳар бир маҳалласида, аҳоли туаржойларида кечаю кундуз фаолият юритувчи ички ишлар идораларининг энг қуий бўғини ҳисобланган, мазмун ва моҳиятига кўра мутлақо янги шаклдаги милиция таянч пунктлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, шу вақтгача маъмурий ҳудудларда фаолият олиб борган участка инспекторлари лавозими ўрнига функционал мажбуриятлари асосан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш ҳамда



хукуқбузарликларнинг олдини олиш бўлган профилактика инспекторлари лавозими жорий этилиб, улар ўз ишини Ички ишлар органлари таянч пунктларида ташкил этишига шароит яратилди. Агар профилактика инспектори шу вақтгача айрим аҳоли тураржойларида ҳатто ўн мингдан ортиқ аҳоли яшайдиган маъмурий худудларда фаолият юритган бўлса, ислоҳотлар натижасида профилактика инспекторлари 2–2,5 минг киши яшайдиган маъмурий худудда фаолият олиб борадиган бўлди. Замон талабларидан келиб чиққан ҳолда профилактика инспекторлари лавозимлари кўпайтирилди. Эндиликда профилактика инспекторлари Ички ишлар органлари таянч пунктларида ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда иш олиб борадиган бўлди.

Хусусан, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича аҳоли билан бирга мунтазам иш олиб бориш мақсадида маҳалла ва микрорайонларда Ички ишлар органлари таянч пункти ташкил этилди.

Шунингдек 2021 йил 2 апрелдаги ПҚ-5050 сон Қарор “маҳалла ҳукуқтарни масканлари” ташкил этилди. Бу ислоҳотларнинг бари Ички ишлар тизимини ривожлантириш ва ҳукуқбузарликка самарали қураш олиб боришига шунингдек ахолига қулайликлар яратишга хизмат қиласди.¹

Ҳозирда Ички ишлар тизимида ўн икки мингга яқин профилактика инспектори ишлаб келмоқда. Бунинг натижасида маҳаллаларда тинчлик-осойишталик мустаҳкамланди, жиноятларни тезкорлик билан очиш кўрсаткичи яхшиланди.

Оғир ва ўта оғир жиноятлар, қасдан одам ўлдириш, талончилик, босқинчилик, товламачилик, ўғрилик ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятларнинг камайишига эришилди.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 июлдаги «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оиласвий-маишийзўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизими такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3827-сон қарори. // URL: <http://www.lex.uz/>



Тошкент шаҳрида ички ишлар идоралари хуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимида амалга оширилган ислоҳотлар ўз самараларини бера бошлагандан сўнг ислоҳотлар бутун республика ички ишлар идоралари тизимида ўтказилишига, яъни ислоҳотларнинг кейинги босқичини бошлашга қадам қўйилди.

Бундан ташқари, ушбу хужжатда ички ишлар идоралари фаолиятидаги муаммолар, республикадаги криминоген вазиятни мураккаблаштирувчи омиллар таҳлили асосида Ички ишлар вазирлигининг мамлакатда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминловчи барча тизимлари чукур ислоҳотларга муҳтожлиги асослаб берилди.

Ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириб бориш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, шу жумладан хуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг янги ва асосий усул ҳамда воситаларини қўллашга асосланган тизимини босқичма-босқич яратиш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар аниқ белгилаб берилди. Унга асосан, ички ишлар идоралари фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, биринчи навбатда ёшлар ўртасида жиноят содир этишга мойил бўлганларни аниқлаш ҳамда профилактика ишларининг самарасини таъминлаш белгиланди.

Профилактика фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида эса: жазони ижро этиш жойларидан озод этилган ёшларни ишга жойлаштириш; жиноятнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишнинг омилларидан бири бўлган кичик бизнесни ривожлантиришга қўмаклашадиган барча чораларни ишга солиш; маҳалла ҳукуқ тартибот маскани фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва жамоат тузилмаларининг фаоллигини ошириш; маҳалла ҳукуқ тартибот маскани ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш ва аҳолининг ҳукукий маданиятини ошириш маскани бўлиши кераклиги мустаҳкамлаб қўйилди.



Ўзбекистонда ички ишлар идоралари тизимида профилактика хизматлари фаолиятини бошқариш, ташкилий-хукуқий, услубий, моддий-техник ва кадрлар билан таъминлашни мувофиқлаштириш Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳукуқбузарликлар профилактикаси хизматига юкландган.

Ўтказилган ислоҳотлар мазмун-моҳиятининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, республиканинг барча маҳаллалари, қишлоқ ва овулларида Ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолияти ташкил этилиб, уларда функционал мажбуриятлари ва ваколатларига қўра илгариги участка инспекторларидан тубдан фарқ қиласиган, ички ишлар идораларининг бошқа соҳавий хизматлари ходимлари, бошқа ҳукуқни муҳофаза қилувчи ва давлат ҳокимияти органлари ҳамда кенг жамоатчилик билан узлуксиз ҳамкорликда хизмат олиб борадиган профилактика инспекторларининг ишлашига замин яратилди. Шунингдек, профилактика (катта) инспекторлари лавозимлари кескин кўпайтирилди, уларнинг ваколатлари кенгайтирилди, хизмат фаолияtlари такомиллаштирилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, «Ички ишлар органлари таянч пунктларининг ташкил этилиши ички ишлар идораларининг асосий куч ва воситаларини бевосита аҳоли тураржойларига йўналтиришга, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига олиб келадиган сабаб ва ҳолатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги ишларни тубдан қайта кўриб чиқиш ва кучайтириш имконини берди».²

Ички ишлар идоралари профилактика хизмати тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган норматив-хукуқий ҳужжатларда Ички ишлар органлари таянч пунктлари:

биринчидан, шаҳар ва қишлоқ жойларида ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш учун масъул асосий қуий бўғин эканлиги;

² Ўзбекистон Республикаси президенти Ш.М.Мирзиёвнинг сўзлаган нутқидан.



иккинчидан, уларнинг устидан шаҳарда профилактика хизмати, қишлоқ жойларда профилактика катта инспекторлари раҳбарлик қилишлари;

учинчидан, профилактика инспекторлари ўз ишини Ички ишлар органлари таянч пункти негизида жиноят қидирав ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш, тергов аппаратлари, патруль-пост, йўл-патруль ва ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа жамоат тузилмалари, ташкилот, муассаса ва корхоналар билан узвий ҳамкорликда ташкил этиши;

тўртинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни самарали ташкил этадиган маскан бўлишига, шунингдек ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт ишларини ривожлантиришни таъминлашга хизмат қилиши кераклиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташабbusи билан ҳар йили «Намунали таянч пунктлар» ва бошқа номинациялар бўйича уч босқичли кўрик-танлов ўtkазилиши йўлга қўйилди. Кўрик-танловлар республикамиздаги Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторлари, фуқаролар йиғинлари раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар комиссияси раислари, яраттириш комиссиялари, таълим муассасалари ва жамоат ташкилотларининг ҳамжиҳатликда фаолият юритишларини таъминлаш, халққа янада яқинлашиш, унинг дарду ташвишларидан доимо огоҳ бўлиш ва зарур пайтда тегишли ёрдамлар бериш ҳамда аҳолининг барча муаммоларини маҳалланинг ўзида ҳал этиш борасидаги ташкилий-амалий ишларни намунали, энг юқори даражада йўлга қўйган, ҳар жиҳатдан қулай ва тўлиқ инфратузилмага эга бўлган, энг замонавий деб ҳисобланган, барча шарт-шароитлар яратилиб, аҳолига бекиёс хизмат қилиб келаётган Ички ишлар органлари таянч пунктларини ҳамда давлат ва жамоат ташкилотларининг фаол ходимларини аниқлаш, уларнинг илгор иш, тажриба ва услубларини кенг ёйиш мақсадида ўtkазилиб келмоқда.

Республика минтақаларида ўtkазилган «Намунали таянч пунктлар» кўрик-танловларида ғолиб бўлган энг намунали Ички ишлар органлари таянч



пунктлари, шунингдек «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси», номинациялари бўйича ғолиблар республика босқичида муносиб тақдирланмоқда.

Ислоҳотларнинг амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида ҳукуқбузарликлар профилактикаси янги тизими қуидаги имкониятларга эга бўлди:

- ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва овулда профилактика инспекторлари раҳбарлигида кеча-кундуз узлуксиз равишда жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятларни иссиқ изи бўйича очиш;
- профилактика инспекторининг Ички ишлар идоралари бошқа хизматлари, ҳукуқни мухофаза қилиш органлари ва кенг жамоатчилик билан ёнма-ён туриб ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бориш;
- жиноий фаолиятга жалб қилинаётган шахсларнинг асосий қисмини ташкил этувчи ҳаётда адашган, ўз йўлини топа олмаётган, ёрдамга муҳтож фуқароларга амалий ёрдам қўрсатиш;
- фуқароларнинг жиноий фаолиятга жалб қилинишининг асосий сабаби бўлган ҳаётдаги, айниқса ижтимоий-иктисодий, оила-турмуш соҳасидаги муаммоларни бамаслаҳат, ўзаро ҳамкорликда ҳал этиш;
- аҳолини жиноятчиликдан ҳимоя қилишни бевосита улар ўз ҳаётларининг асосий қисмини ўтказадиган яшаш жойларида амалга ошириш;
- худудда жиноий фаолият олиб борувчи шахсларнинг, жиноий тузилмалар, экстремистик-террористик ташкилотларнинг ушбу жойларда яшаётган аъзолари пайдо бўлганлиги ҳақидаги маълумотларни ўз вақтида олиш;
- эскича «жиноят содир этилганидан кейин уни содир этган шахсни фош этиш» усули ўрнига янгича «ҳаёт тарзи, юриш-туришидан жиноят содир этиши маълум бўлган ёки жиноий фаолият билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, биринчи навбатда, уларнинг жиноят содир этишига йўл қўймаслик, агарда улар жиноий фаолият билан шуғулланаётган бўлсалар уларни фош этиш» усулини қўллаш ва бошқалар.



Хуқуқбузарликлар профилактикаси янги тизимининг имкониятларини тўлиқ ва мунтазам ишлатиш юксак малакали мутахассис кадрлар тайёрлашни тақозо этади.

Профилактика хизматларини мутахассис кадрлар билан таъминлашга, қолаверса мазкур хизматларда ишлаётган ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш тизими니 такомиллаштиришга хизмат қилди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ички ишлар идоралари учун мутахассислар тайёрлашнини узлуксиз давом этмоқда. Академия кундузги таълимида ички ишлар идоралари профилактика хизматлари учун «Хуқуқбузварликлар профилактикаси фаолияти» мутахассислигига эга малакали офицер кадрларни тайёрлаш йўлга қўйилган. Ўтган йиллар давомида ИИВ Академиясида ҳозирда кўплаб малакали офицер мутахассислар ва шунингдек малакали сержант кадрлар тайёрланиб, профилактика хизматлари тизимиға хизматга юборилди. Хуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни бекиёслиги қўйидагиларда кўринади:

биринчидан, уларнинг аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишдаги таъсирчанлик доираси кенглиги,

иккинчидан, кўп сонли турли тоифадаги аудитория қатламини бир жойга жам эта олиш имконияти,

учинчидан, йўналтирувчи, йўл бошловчи функцияси орқали давлат ва жамият ўртасида ишончли воситачи бўла олиш қобилиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳуқуқий соҳага ихтисослашган юзга яқин оммавий ахборот воситалари фаолият юритмоқда. Биргина телевидение мисолида оладиган бўлсак, телеканалларда айнан мазкур мавзуда йигирмадан ортиқ маҳсус кўрсатувларнинг мунтазам эфирга узатиб келинаётганлиги, информацион дастурларда инсон ҳуқуқлари ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида ёндашувнинг мавжудлиги, айниқса ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилаётган



ислоҳотлар, саъй-ҳаракатлар ва тадбирлар ҳақида мунтазам ахборотлар бериб борилаётганлиги биз сўз юритаётган миллий тизимнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Биргина, 2013–2014 йилларда иш бошлаган «Madaniyat va ma'rifat», «Dunyo bo'ylab», «Diyor», «Bolajon»,

«Oilaviy», «Mahalla», «Mening yurtim» телеканалларидағи инсон тафаккурини бойитиш ва маънавиятини юксалтиришга қаратилған кўрсатув ва дастурлар миллий қадриятларни ва истиқлол ғояларини аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдириш, болалар тарбиясида оила, маҳалла ва таълим муассасалари масъулиятини оширишни тарғиб қилиш орқали ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашда иштирок этмоқда.

Суд-ҳуқуқ, хусусан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида» ги қонуни қабул қилиниши Ўзбекистон ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимидағи ислоҳотларнинг янги босқичига қадам қўйилди десак хато бўлмайди.³

Конунийлик, инсонпарварлик принциплари билан бир қаторда, тизимлилик, ишонтириш усулининг устуворлиги, таъсир кўрсатиш чоратадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасига доир фаолиятнинг асосий принциплари этиб белгиланганлиги фаолиятни миллий қадриятларга асосланган анъанавий ёндашув билан замонавий илғор педагогик-психологик технологияларга асосланган ноанъанавий ёндашувни уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни, уларга риоя этиш эса ваколатли субъектлардан чукур билим, уларни амалда кўллаш кўникмаси ва бой тажрибага эга бўлишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши:

³ Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – 20-сон. – 221-м.



биринчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ҳуқуқий-назарий бўшлиқни бартараф этди,

иккинчидан, ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солувчи қонуности меъёрий хужжатларидағи зиддиятлар ва ноаниқликларга,

учинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи субъектлари ваколатларидағи ноаниқлик ва бир-бирини қайтаришларга барҳам беради,

тўртингчидан, ушбу субъектлар, жумладан ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги фаолиятини либераллаштириш ва демократлаштиришни янада кучайтиришга,

бешинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида ҳамкорлик ва мувофиқлаштиришни янада самарали ташкил қилишга,

олтинчидан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини ва бу соҳада жамоатчилик назорати самарадорлигини оширишга,

еттинчидан, бу соҳада халқаро ҳуқуқ қоидаларини жорий этишга хизмат қиласди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Т: 2023й (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон). (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).
2. *Мирзиёев Ш.М.* Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини бирга қурамиз. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).
3. *Мирзиёев Ш.М.* [HYPERLINK "http://natlib.uz/ru/Article/Index/51"](http://natlib.uz/ru/Article/Index/51) [HYPERLINK "http://natlib.uz/ru/Article/Index/51"](http://natlib.uz/ru/Article/Index/51) Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Т, »Ўзбекистон», 2017.—48 б. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).
4. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун



хужжатлари тўплами. – Т., 2014. – № 20. – 221-м. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).

5. Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – Т., 2016. – № 38. – 438-м. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон // 2021 йил 26 март. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хафвсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5050 сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами 07/21/5050/0280-сон. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).

8. «Хукуқбузарликлар профилактикаси ва ҳукуқбузарликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2833 сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами.–2017.–№ 12.– 134-м. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – № 15.– 243-м. (*Мурожсаат вақти: 17.10.2024*).

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳукуқбузарликлар профилактикаси булинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари



тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли Қарор// Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлар тўплами.-2017.-№ 17.-249-м. (*Мурожаат вақти: 17.10.2024*).